

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жағфармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жағфармаси

ВАТАН ТИМСОЛЛАРИ



Бир хунар эгаси бўлса одам гар
У эмас, кўрсатур ўзин шу хунар.

Эй ўғил! Бу насиҳатларга қулоқ сол, касбу хунар ўрганишдан ор қилма, меҳнат қилишни ўрган. Юрт ва элнинг ривожини ҳам хунарга боғлиқ. Энг ҳалол ва энг ёқимли емиш ва кийиш хунардан ҳосил бўлади. Хунар — яширин хазина. Қуни келиб дунё тасодифлари туфайли мол-мулкдан ажралсанг ҳам, хунардан ҳеч қачон ажралмайсан. Хунар сенинг ҳамроҳинг, мададкорингдир.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

Миробид МИРСОДИҚОВ олган сурат

Шу куннинг нафаси

ЕТТИ — ХОСИЯТЛИ САНА

Бу муъжизалар сир-синоатга тулик дунёнинг етти рақами билан боғлиқ ҳам фалсафий, ҳам илоҳий хосияти бор. Масалан, дейлик — етти йил, етти қитъа, етти муъжиза...

Айни шу уринда мана шу етти муъжизанинг бири ҳақида фикр юритмоқчимиз. Гап шундаки, жаннатларга қиёс эттулик юртимиз мустақиллигининг еттинчи йилини бошдан кечираяпти.

1991 йил тугилган чақалоқ бугун мактаб остонасида турибди. Уша йили билим масканига қадам қуйган болакай бугун оқу қоранинг фарқига бориб ҳам қолди. 1991 йилнинг кузида экилган навниҳол эса барқ уриб усапти... Етти йил ичида босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, албатта қиёс излаймиз, ҳажоний тажрибалар асосида таҳлил қиламиз.

1952 йилда Олмониянинг биринчи федераль канцлери Конрад Аденауэр ва молия вазири Людвиг Эрхарднинг

«Ижтимоий амалиётда қўлланиладиган бозор муносабатлари ривожланиш дастури охир-оқибат етти муъжизанинг бири деб тан олинган — «Олмония иқтисодий муъжизаси»га айланди. «...Қандай муъжиза ҳақида гапираясизлар? Ахир бу ўз турмуш тарзини ҳурлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик негизида қайта тиклаб олган бутун олмон халқининг фидоийлиги, виждонан қилган меҳнатининг самараси-ку...» — деган эди Конрад Аденауэр.

Олмониянинг иқтисодий муъжизаси бизнинг ҳам мамлакатимизда такроран амалга ошди, десам муболага бўлмайди.

«Ундер Цайтунг» газетасининг махсус мухбири Рейхард Баумгарден Узбекистондаги воқеалар, иқтисодий тараққиёт ҳақида тулқинланиб шундай деди:

— Президентингизни таъбир жоиз бўлса, «Олмонча иқтисодий муъжиза»нинг отаси Конрад Аденауэрга қиёслагим ке-

лади. Чунки федераль канцлер юртимизни инқироз ва вайроғарчилик бўҳронидан халос этиб, етти йил ичида Олмонияни ҳажоннинг етук давлатлари қаторига кўтарди. Президент Ислам Каримов эса «сохта суверенитетлик» ва истибодда барҳам берди, Узбекистонни ҳажон ҳамжамятининг кузга қурирган ва ҳавас қилшга арзийдиган мамлакатига айлантирди.

Собиқ СССРнинг хом-ашё базаси ва аграр минтақаси булган Ўзбекистон бугун ривожланаётган оғир санату — машинасозлиги, самолётсозлиги, тўқимачилик санатуи билан Ғарбу Шарқнинг иқтисодчиларини узига оҳанграбодай тортапти.

«Мерседес-Бенц» ва «Уз-ДЭУ», «Луфтганза» ва «Самолётсозлик» заводи. Бу рўйхатни давом эттириш кишига гурур ва шуур бағишлайди.

Бугунги иқтисодий муваффақиятларимиз аввало, халқ фаровонлигини оширишга, ҳар

бир оиланинг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларига қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Етти йил ичида санат билан бир қаторда қишлоқ ҳужажидаги тиб ислохотлар уз самарасини бермоқда. Ғалла мустақиллигига эришдик. Кечagina ҳажон бозорига хом-ашё сифатида чиқарилаётган пахта-миз эндиликда тайёр маҳсулотга айланиб, валюта хазинасини бойитмоқда.

Кўни кеча 1998 йил биринчи ярим йиллигида иқтисодий ислохотлар устувор йўналишларининг амалга оширилиши ва Ўзбекистон республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги масала муҳокамасига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида давлатимиз раҳбари:

— Такрор ва такрор айтман: бизнинг мақсадимиз қўлга киритилган натижаларни бўяб-бежаб эмас, балки, авваламбор, холис ва тақийдий баҳолаш асосида мавжуд муам-



моларнинг шакл-мазмуни ва мураккаблигини аниқ тасаввур этиш ва пировард мақсад йўлидаги ҳаракатимизнинг аниқ йўналишларини, уфқларини белгилаб олишдан иборатдир, — дея қилган мурожаатлари келажакка булган утли ишончининг намойишидир.

Етти йил ичида амалга оширилган ишлар, эртанги кунимизга булган ижтибоҳ ҳар биримизнинг кўзларимизда Кўешдек чақнаб турибди.

Музаффар МИРЗО



1. Мустақиллик ҳақида сўрабсиз. Бу сўзнинг узини эшитганимда қалбим жунбушга келади, юрагим ҳаприқади. Бу гапимда асло лоф йўқ.

Мустақилликнинг менинг шахсий ҳаётимдаги аҳамиятини нанки эзиб, ҳатто сўзлаб адогига етиб бўлмайди.

Мустақиллик менга отамни толиб берди. Тасаввур қилинг уч ёшлик питрак қизалоқнинг отаси — муаллим, журналист, дипломант, шоир ва драматург Саид Аҳрорий 1930 йил ноябр ойида эрта билан ишга кетгану, қайтиб келмаган. Йигирма беш яшар онаси тўрт бола билан мусофир юрда (Самарқандда) қолди-кетди. Отадан дарак бўлмади... Қизалоқ етимликда, усикликда усди-улғайди. Вояга етиб ишга кирган эса, ижтимоий келиб чиқишида бутун умр «Отам бедарак йўқолган» — деб ёзди...

Уша уч яшар қиз — яъни мен олтимишдан ошганимда отам тақдирдан огоҳ бўлдим. Журналистлик касбим қўл келиб, дадамнинг фожиали тақдирига доир маълумотларни ҳужжатгоҳларда ўрганиб, бу ҳақда езиш имконига эга бўлдим. Буни мен, ис-

тиқлол менга — шахсан ўзимга ва бутун авлодидимга берган САОДАТ деб биламан.

2. Утган етти йил ичида оилам миқёсида юз берган янгиликлар куп бўлди. Улардан айримларини айтиб ўтаман. Аллоҳ берган беш фарзандимни — уғилларимни уйлантириб, қизларимни узатиб қатор набиралар куриш насиб этган эди. Бу етти йил ичида тунгич ўғлим Жамшидхоннинг икки қизини узатиб, икки эвара кўрдим. Энг муҳими шуки, қалам учи билан ҳалол топганларимиз

якши кунларга — туйларга буоряяпти. Бу ҳам САОДАТ...

3. Ватан иқболи, истиқболи ҳақида уйларканман, бахтиёрликдан энтикиб кетаман. Бу кунлар қайда эди-я. Ахир бу кунни — юртимизга истиқлолни келтириш учун ватаннинг не-не углонлари жонини фидо қилган экан. Биз эса илгари бундай кураш борганлигидан беҳабар ўтдик... Ҳатто кузи очик деб билигим узимдек одам ҳам, қўзимиз кеч очилганини англадим ва «Биз қандай халқ эканмики, углонларимиз эл-юрт бошига не-не қора кунлар тушганда ҳам пусиб ётган бўлса, эрк учун курашмаган бўлса-я...» — деб уйлардим-да. Халқимизнинг ақли расо фарзандлари, юртим-элим деган углонлари истибодда қарши турли йўллар билан курашган эканлар. Биз Ватанга аввало соғлом, имонли-инсофли, билимдон ва ҳур фикрли фарзандлар ўстирайлик. Қўрган кишининг кузи қувнайдиған, дили яйрайдиған фарзандларимиз келажакда юртимизга посбон бўлсин, элни бошқарсин.

Холида АХРОРОВА

1. Ватанимиз мустақиллиги сизнинг шахсий ҳаётингиз, оилангиз, қон-қариндошларингиз тақдирини қандай аҳамият касб этди?

2. Утган етти йил давомида мамлакатимиз миқёсида, оилангиз доирасида юз берган қайси ўзгаришларни алоҳида қайд этишни истардингиз?

3. Ватан иқболи — истиқболи ҳақида уйларкансиз хаёлингиздан нелар кечади?

Инсон мутасил ўзгаришлар гирдобиде яшайди. Бу етти йил ичида тунгич ўғлим Жамшидхоннинг икки қизини узатиб, икки эвара кўрдим. Энг муҳими шуки, қалам учи билан ҳалол топганларимиз



узра боққан истиқлол қўши ҳаммамизнинг қалқимизни нурлантириб юборгандек бўлди. Тилимиз, дилимиз бир булган халқимиз табиятан шундайки, ўз уйини, ўз юртини гоят қадрлайди, «ўлан тўшагин» деб алқайди. Иссигини «иссиқ», совугини «совуқ» экан деб миннату иллаз қилиб юрмайди. Қадр-қимматини, иззат-ҳурматини шунда қўради, шунда деб билади. Ана шу ҳаётий аъром, ана шу ниятимизга, интилишимизга яраша бугунги Ўзбекистонимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборидан мен ҳам, менинг яқинларим ҳам гоятда фахрланамиз. Ҳаргал чет эл сафарига борарканман, дунё гузалликлари, бойликлари негидир кўнглимни сира-сира забт этолмайди. Чунки кўнгил она юрт меҳри, соғинчи билан банд бўлади. Мен шу ёшга кириб шунга иқрор бўлдимки, муҳаббатнинг энг

олий қуруниши бу инсоннинг киндик қони тубкилган юртига булган меҳрида акс этаркан. Бу энг илоҳий туйғудир.

2. Ўз вақтида мен тилимизнинг давлат миқёси даражасида кўтарилишидан қувонганман, бу туйғудан ниҳоятда бахтиёрман. Тил кўнгилнинг ойнаси, кўнгилнинг таржимони, ота-боболаримиз бизга қолдирган, биз эса фарзандларимизга қолдирадиган меросдир.

Мамлакатимиз миқёсида буюқ ўзгаришлар шу қадар купки, афсуски уларни бирма-бир санаб ўтишга илож ва имкон йўқ. Лекин мен тасвирий санъат соҳасида кейинги йилларда юз берган қўтлуг ўзгаришларни фахр билан қайд этгим келади.

Президентимизнинг фармони билан Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этилди. Бу оламшумул аҳамият-

га эга иш эса қатор хайрли тадбирларнинг йўлини очиб берди.

Қамолитдин Бөхзод номидаги миллий расомлик ва дизайн институти, санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Республика расомлик коллежи ва Тошкентда ҳамда вилоятларда махсус тасвирий амалий ҳунармандчилик санъати лицейлари фаолияти миллий тасвирий санъатимиз ривожига йўналтирилган.

Суралгани боис энди оиламиз ҳақида тўхталсам. Уч ёшга кириб қолган Исламжон углимдан ташқари оиламиздагиларнинг барчаси — яъни беш киши тасвирий санъатга даҳлдор кишиларимиз. Болаларимнинг онаси Шоирахон расом, яна кўпбал расомларнинг устози яъни коллеж ўқитувчиси, уч қизим эса расомлик билими, маҳоратини махсус билим юртларида эгаллаш йўлида ўқиб изланиш билан банд. Улар биз катта авлод вақилларидан кўра катта имтиёزلарга эга.

3. Бадий академиямизнинг гузал курғазмалар залида санъат оламига эндигина кириб келаятган ёш расомларнинг курғазмаларини уюштириб турамиз. Ёшликнинг назари, ёшликнинг нафаси, ёшлик ҳис-ҳаяжонлари узгача бўлади. Ёш расомлар ижоди намуналарини томоша қиларканман, улар билан бевосита мулоқотта киришарканман фараҳбахш бир туйғудан тулқинланиб кетаман.

Турсунали ҚУЗИЕВ,
Ўзбекистон Бадий академияси раиси,
академик

Тақдир

Хонага «Мумкинми?» дея бир аёл кириб келди. Куришди, шарҳланган, «Қайдансиз, узоқларданми, яқинданми?» дея ҳазиллашган бўлдим.

— Кеча эрталаб сизга кунгирак қилган аёл бўламан, — деди у.

— Эсладим-Сирдареданман, деб бир аёл кунгирак қилган, тўрт боласи учун ёрдам пули ололмаётганини айтти. Мен эса унинг эри неча ёшдадир, касб-кори қандай суроқлаган эдим.

— Эрим 33 ёшда, вланини ишлайди, баъзида иш бор, баъзида эса йўқ. Топиш-тутиши ҳам шунга яраша-да. Ёрдам пулини олсам, ҳеч курсу рўзгоримнинг бир ёкига асқотарди-да, — деганди аёл.

— Энди-и менга қаранг, синглим, — дедим мен, — эрингиз айти тоғни урса талқон қиладиган ёшда экан, оилали, туртта ёш боласи бор эркак жонини аямай ҳаракат қилиши керак-да.

Мен аёлни ноумид қолдирмаслик учун шарҳ хотин-қизлар қўймасига арзи-ҳол қилиб боришини маслаҳат бердим ёки ҳамма гапини хатта битиб, бизнинг газетамиз манзилга йўллай қолиши ҳам мумкинлигини таъминладим. Шу билан гап тугаган эди... Энди уша аёл келибди...

— Мен айтган жойга бордингизми? — дедим.

— Йўқ, бир корхонада йиғилиш қилишгаётган экан, тополмадим, — деди аёл.

— Булмас, арзи-ҳолингизни қўшни хонага утинг-да ёзиб қолдириг, — дедим мен қайтадан қорғозлар дунёсига шўнғимқоқа шайланиб.

— Йўқ, опа, мен бутунлай бошқа гап билан келувдим, — деди аёл.

— Хўш, нима гап экан?
У эса афтидан гапни нимадан бошлашини билмай қийналарди. «Майли, гапингизни ишлаб олгунингизча мен ишларимни тугатиб ола қолай, буттимми?» — дедим. Бир пасдан сўнг: — Уйлаб олдингизми, — дедим ҳаёл суриб утирган аёлга.

— Мен сизга бундан олдин ҳам икки-уч бор кунгирак қилганман. Келмоқчи бўлганман, лекин, сира ботиноламан экан. Бу гап эса уйимда утролмай қолдим.

— Нима, оилангиз нотинчми ё уй-жойдан камчилик борми?

— Йўқ, ҳаммаси жойида.

Қизик, эри, бола-чақаси, уй-жойи бор ёш аёлни яна қандай муаммо қийнаши мумкин...

Унинг юзига тикиламан. Бир-бирига яқин жойлашган, чуқур қопқора кўзларидан аллақандай мунг яширин... Эри 33 ёшда бўлса, бу аёл йигирма беш, уттиз атрофидадир. Оданинг айти яйраб-яйнаб, гаму хасталиклари назарга илмай яшайдиган дари...

— Биласизми, дардини ҳеч кимга айтолмайман, дугоналар, кўни-қўшиллар эшитса устимдан қулиши аниқ, опа-сингилларим эса мени тушунмасликлари,

мени қоралашлари мумкин... Лекин, бирон кишига кунглимини ёриб, айтмасам, энгиллашиб олмасам ҳам бўлмайдими...

— Қани майли, дардингизни айтингчи?

— Мен ҳунху аёлман, қизлигимда ҳам чиройли бўлмаганман.

— Нега ундай дейсиз, ҳар бир қиз-жувоннинг узига хос жозибаси бор. Бунақа гапни умуман кунглингиздан чиқариб ташланг, — дейман мен.

У кулади чиройи очилди. — Биласизми, ҳаммиса сал қўлимсизаб туришингиз керак экан, табассум сизга ярашаркан, — дейман яна.

— Сиз энди кунглинни кутарапсизда, лекин мен узимни яхши биланман, — дейди у яна жиддий тортиб.

— Бун шундан билардим-ки, мактабда ўқиб юрганмизда дугоналаримнинг ҳаммасига тўрт-бештадан йигит севаги изор қилар, қизлар ўз севаги сарғулашларидан мағрурланиб, мақтанчи бўлишар, уларни ҳаммалари кўзимга ёмон кўринарди. Чунки ҳеч ким ҳалигача ақинимга ҳам йўламаган, менга севаги изор қилмаганди. Узим ёлғиз қолган пайтларимда армон хасратдан хун-хун йиғлардим. Мени кимдир севагини, мен ҳам кимдир севаги қолиши шунақанги истардимки...

Мақтабни битиргач, мен тикувчилик курсига ўқишга кирдим. Ана шунда ҳаётимда илк бор бир йигит менга гап отди. Ўқишга бориш — қайтисимда йўлимдан чиқарди. Гаплари ёқарди менга, сузамол йигит эди. Гаплари билан мени лол қиларди. Шунданми, унинг ўзи қандай одамлиги билан қизиқмабман ҳам. Кейин совчиларини юборди. Уйимиздагилар уни сураб-суриштиришди. Маълум бўлди-ки, машина ўғирлайдиганлар гуруҳида бўлиб, қўлга тушган, сузамол ҳам чиққан экан. Ота-онам ўғрига берадиган қизимиз йўқ, деб туриб олишди. Йигит бўлса сира кетимдан қолмас, қайга борсам йўлимдан пайдо бўлиб «Кетдик, бу шаҳардан бошимиз оққан ёққа қочамиз», дея ялиниб-ёлборарди. Мен кўнмадим. Кейинчилик шу ишмидан кўп пушаймон бўлдим.

Унга тегсам, балки бугунги кўргўликларим мени четлаб утармиди. Сўнг мана шу ҳозирги эримдан совчилар келишди, уйимиздагилар мени шуларга беришга рози бўлишди. Тўйимиз бўлди.

— Ҳалиги йигитни шундан кейин ҳеч кўрмадингизми?

— Ҳа, айтгандай у тўй кечаси машинада келиб, мени кутиб турадиган, олиб қочадиган ҳам бўлди. Мен охириг мўддатда узимни тугатиб қолдим, бу йўлдан кетмадим. Кейин яна бир-икки йиллар кўнамиз бошида, юрган йўларимда уни кўп марта учратдим. Сўнгроқ у ҳам уйланибди, деб эшитдим. Бизнинг турмушимиз эса...

Биласизми, на тўйимизгача, на мана тўрт болали бўлибмиз ҳамки, эримдан узимга нисбатан бир меҳрин, бир илқинини сезмабман. Ҳеч курсу кунглим учун бир меҳрибончилик курсатганини эслолмайман. Қимматбаҳо бўюмлар нари турсин,

на бир атир ва на бир дона гул ҳам совга қилмабди. Бундан уч-тўрт йил олдин бўйрагим қаттиқ шамоллаб қолиб, оғир хасталикни бошдан кечирдим. Сотиб олиб келиб берган дори-дармонларини фалон сўм сарфлаганман, деб ҳалигача миннат қилади. Хали бутунлай тўзалиб кетмаганман. Духтирлар вақти-вақти билан даволаниб туришим лозимлигини маслаҳат беришганди. Мен эса соғлигимга эътибор ҳам қилмай қўйдим. Ким ҳам менга дори олиб берадди? Эримнинг эса миннат-иллатларидан юрагим зада бўлиб қол-

деб уйлдим. Кадр-қимматим, аёллик шаъним оёқ ости қилганган каби ҳис қилдим узимни. Бу эркак учун меннинг ҳеч қандай аҳамиятим йўқ экан, деган қарорга келдим.

— Энди, сингилжон, баъзиларнинг феъли шунақа бўлади-да. Лекин, фарзандларини яхши кўриб эрқаласа керак.

— Болаларига-ку қарайди.

— Болаларига оталик қилса, сиздан узганини топиб оғиб кетмаган бўлса, ишлаб рўзгорингизни тебрататган бўлса, қолган камчиликларидан кўзингизни юмиб яшайвера-

риб қолди. Ҳар гал кирганимизда ширинликлар билан сийларди. Болаларга эса айти шу керак. Шу сабаб бозорга йўлимиз тушиб қолди, дегунча ўғлим мендан олдин югуриб бориб шу дўкongan кириб кетарди. Эркак билан гаплашиб қолиб, фарзанди йўқлигини эшитдим. Раҳимим келди унга. Мен ҳам оилам, рўзгоримиздаги муаммолардан унга сўзлаб бердим. Ўз-ўзидан гапларимиз қовушиб, дўстлашиб қолдик. Бу орада у неча йилдан бери тугмай келаётган хотинидан ажрашди. Шу сабаб бўлдим, билмайман мен унга янаям боғланиб қолдим.

Юқорида айтганимдай эрим ниҳоятда камгап, бир нарса кунглига утиришмаса сабабини ҳам айтмайди, одам билан ойнаб гаплашмай ҳам қўйиши мумкин. Бир том остида, бир тўшакда ётиб турмишу кунглида нима гап, нима уй сира билмайман. У менга дўстми, душманми буням сира англолмай хўнобман. У ҳам меннинг кунглимини билмайди, қизиқмайди ҳам. Менга ёқиб қолган одам эса эримнинг тамом акси. У меннинг ҳатто қайси қўшиқни яхши қуришимдан ҳам хабардор, Дўконига кириб боришим билан магнитфон мурувватини бураб уша қўшиқни қўяди. Биргалликда эшитамиз. Мен мовий рангини ёқтиришимни айтган эдим, шу рангдаги қўйлак, қастом — шим сотиб олиб кийибди. Менинг шеърга қизиқимини билиб, янгидан-янги китоблар совга қиларди. Атиргулни яхши қуришини айтсам, қор-қорвили қиш кўнида бир қучоқ атиргулни қўлимга тутқазди.

— Синглим, бир гапни сурасам, фақат ростини айтинг... Ораларингда бошқа ҳеч нарса юз бермагандими?

— Йўқ... Фақат биласизми, қўйида у иккинчи марта уйланди. Бирам қаттиқ куйиндимки, узимни кўярга жой тополмай қолдим. Ҳеч ким, ҳеч нарса кўзимга қўрунмай қолди. Дарди-дунём қоронгуликча қулчанди. Ҳатто жонимга касд қилмоққа ҳам чоғландим. Энг сўнгги дақиқада узимни тутиб қолдим. Боя айтганимдек, қизлик пайтларимда, «Мен ҳам бировни яхши кўрирмаганман, мени ҳам биров яхши кўрирмаган», деб уйларибдим. Кейинчилик, «Севгимухаббат деганлар фақат қўшиғу куйинларда бор, асли эса йўқ», деган хулосага келиб қолган эдим. Лекин, энди иқроқ бўлдим — севаги бор экан, севаги деганлари яна қийноғу азоб экан.

Ундан қутулиш йўлини излаб тополмай, қўйнаиб юрибман. Нима қилишим керак, айтинг... Мен қизил қўйгаги узим

КўНГЛИДА ТИНЧИ БЎЛСИН АЁЛНИНГ...

- Мени кимдир севагини, мен кимдир севагини орзу қилганман...
- Тўй оқшоми мени олиб қочмоқчи бўлди...
- Эримнинг миннат-иллатларидан юрагим зада бўлиб қолган.
- «Мен бошқа одамни яхши кўриб қолдим...»
- Пок нонингиз фарзандларингиз келажги учун зарур.

сизда, энди... Аксарият аёлларнинг ҳаёти худди сизникидай кечади — бола тугади, уларни парвариш қилади, уйини саранжом-сарашта тутайди, эрининг ҳурмат-эзизатини жойига қўяди... Сизнинг эрингиз-ку ҳалиям дўп-послаб урмас экан, хотинбоз эмас экан, шўқур қилинганда...

— Лекин, мен эримни яхши кўрмай туриб қандай айтшим керак?

— Айтдим-ку, қўп аёлларнинг аҳволи шу. Аёл она бўлдимди, энди болаларни деб яшаши керак.

— Мен бошқа одамни яхши кўриб қолганман, энди нима қилишим, қандай йўл туттишим керак, билмайман? Менга маслаҳатингиз керак, — аёл йўлга юборди...

— Ие, ҳали бу гап ҳам бормиди? — дейман мен. Лекин, айти дамда бу масалани янада чуқурлаштиргим келмайди. Йўлгаётган аёл узига келиб олсин деб атай мавзунини бошқа ёққа бураман.

— Тикувчилик курсини битирган бўлсангиз уйда шу иш билан ҳам шўғулансангиз керак-а?

— Йўқ, тикув машинам эски, ярамайди.

— Эгингиздаги қўйлакни узингиз тикибсизми, деб уйлабман. Узингизга жуда ярашиб турибди. Шунақа фасонда узингиз ҳам тика оласизми?

— Қўнт қилсам тикаверишим ҳам мумкин. Лекин, болаларим ҳали шўқур.

— Сиз айтганган одам билан қандай қилиб боғланиб қолдингиз?

— Уйимиз бозорнинг ёнгинасида жойлашган. Бозор-учарни доим узим қиламан. У одам эса шу бозордаги дўкonda ишлайди. У билан танишиб қолганимизга уч йилларча бўлиб қолди. У ҳеч кимга ушамайди, муомаласи ширин, дилкаш одам. У билан гаплашсангиз сира зерикмайсиз. Унинг дўконидан сабазавот харид қилгани кирар эдим. Аввалгига у кичик ўғлимни яхши кў-

СЎНГ СЎЗ

Уйлаб қарасам, яна сизга муружаат этмасак бўлмас экан, азиз юртдошлар! Бир нарсани очик тани олайлик, юқеридаги қаҳрамонимиз эркак бўлса кўпчилигимиз уни кечирришга ҳаракат қиламиз. Ҳатто, ҳаммага маълум шундай нақлар ёдимишга келайди: «Эркак истаганини уйдан тополмас, қўчадан излайди»... «уйида тинчи бўлсин эркакнинг»... Лекин кўнгли армонлари, орқилари, суруқлари, орзиқлашлари уйдан малҳам топма олган аёл нима қилсин? Қандай йўл тутсин? Мен-ку хулосамини унга изор қилдим. Сиз нима дейсиз?

Дилбар САИДОВА

«Талабалар шаҳарчаси»да

Болагимизда «Учувчи буламан, врач буламан» — деб катта-катта орозулар қилардики Шунда кўлини курган бувиларимиз хурсанд бўлиб;

— Ниятинга ет, болам. «Яхши ният» яқин давлат... — деб бошимизни мазор билан сийлаб қўйишарди. 11-синфини тавомлаш арафасида, йилит — қизларни бир манзилга элтучи икки йул кутиди. Бирини ўқишга кириб, билгани олшини давом эттириш, яна бирини эса ишлаб ота-онага қумаклашини. Икковини ҳам эзгу йул, лекин мақсадсиз қолиш... Мақсадсиз одам яшайди, яшагандай бўлади холос. Биринчи йилни тавилган йилит-қизлар «белни маҳкам боғлаб» шаҳарларга йул оладилар. Дарвоқе, уларнинг ниятларида яна аллақандай сирли орзу-хастаклар ҳам йўқ эмас. Қандай, дейсизми? Бу савол билан «Шоҳбекат»даги айрим «Йулочиларга мурожаат қилдик».

Тоҳиржон Нурматов. Чортоқлик. ТошДУ тарих факультети абитуриенти.

— Тарихга қизиқасизми?

— Йў-ге, юрфакка «перевод» қилиш осон бўлади-да.

— Бундан қичди юридика соҳасига қизиқар экансизда?

— Номиям улуг-да. Юрфакда ўқийман, деса зурда...

— Ниятлар ҳам «халис»ми, дейман?

— Ҳа, фақат қўштирноқсиз — ҳолис. Ҳазил-да. Ҳалол яшаш учун, ҳақиқатни юзага чиқариш учун кўнунини яхши билиши керак шунда одам қўқилмайди, аксинча, ютади. Келажакда худо хоҳласа, демократия жамиятда ҳамма нарса қонун билан ҳимояланади.

Мансурбек АҲМАДАЛИЕВ, Андижонлик. ТошМИ хирург-педагог факультети абитуриенти

— «Танк» борми? Ё бошини операция қилиб ахборотномаларни жойлаб қўйибсизми?

— Танк урушда бўлади-ку? Ахборотномаларни Ўстиқнинг тагига қўйиб ултаяпмиз, зора, мияга кириб қолса...

— Оқ халат ярашса керак. «Дог» тушириб-тушириб туриш

«ШОҲБЕКАТ» - дагилар

(ёки абитуриентлар билан суҳбат)

нияти йўқми, ишқилиби? — Йўқ, бу жуда маъсулятли соҳа. Қилган ишингиздан ё кўнглингиз ё чўнтагингиз тўлиши керак. Чўнтак нима билан тўлади? Пул билан, пул эса қўлнинг кирди. Кўнглингиз, кўнглингиз савобдан тўлади. Шоҳ Исқандарнинг ҳам икки қўли очик кетган. Божий дунёга савобу гуноҳдан бўлак ҳеч нима олиб кетиб бўлмайди.

Мирзофар МИРРАЖАБОВ, Тошкентлик. Жаҳон Иқтисодий Дипломатия Университети халқаро иқтисодий муносабатлар факультети абитуриенти.

— Жа, баянда дорга осилибсиз-ку.

— Йиқилса ҳам баянда дордан йиқилса алам қилмайди-да. Чала жон бўлгандан кўра ўлим афзалроқ...



— Яна қанақа «яхши» ниятларингиз бор?

— Иқтисодчиларга ҳавасим келади. Айниқса чет элларда ишлаётган дипломатларга. Ҳаммасини йўқ, деганда «Mercedes» си бор. У, бу деймиз-у, ҳамма нарса бориб иқтисодга тақалади. Албатта меннинг ҳам бош мақсадим Ўзбекистон раваножига хисса қўлиш, лекин узоқ келажикни, иқтисодимни ҳам эсдан чиқармадим, ҳар ҳолда.

Лочин ЛАТИПОВ, Избосконлик. Олий Бош қўмондонлик ҳарбий билим юрти толиби.

— Лочинбек, табриқлаймиз! Қийналмадингизми?

— Келавганимда 58 кило эдим, 43 кило қолиман. Ҳамма соҳада ҳам қийинчилик бўлади. Дулана ейиш учун албатта, тоққа чиқиш керак.

— Энди қачон «...жон чек...» асиз?

— Ҳарбийларда ҳаммаси режага қўйилади. 25 вига кирмагунча жон чекми ҳам йўқ.

Биз орозулари оқ-оғлоқ абитуриентларга оидин йўллар тиллашмиз. «Шоҳбекат»даги мақсадсиз, орзусиз йўлдошларимизга ҳам эзгу ниятлар соғинамиз.

Суҳбатдош: Дилбар ТУРҒУНОВА.

ВАФО СИРЛАРИ

1989 йили халқ артисти, марҳум Шукур Бурхоннинг номини абадийлаштириш ҳақида «Тошкент оқшоми» газетасида мақола чоп этилганидан буён, Шакар опа билан қадрдонман. Бугун ҳам ана шу кутлуг ва улуг хонадонга кириб келдим.

— Бугун раҳматли Шавкат улуғининг тутилган кунини. Билгандай гул олиб келибсиз. Суратининг олдига қўямиз.

— Ойи, Шукур ака билан қандай танишгансиз?

— Ойна оғир хўрсинди.

— Руҳи шод бўлсин, илоийн... Шукур акани илк

корларнинг изи бор. Уларни курса Шукур аканинг боши осмонга етарди.

Жуда кўп асчиқ кўнларни ҳам қурдик. Тўнғич қизим Шаҳноза «Анчиқ данак» фильмида суратга тушаётганда анҳорга чўкиб вафот этди. Москва академиясида таҳсил олаётган ўғлим таътилга келганда Чимён ён бағрида йиқилиб, оёғи лат еб, қони заҳарланди. Москвадаги энг йирик шифохона шифокорлари ҳам дардига малҳам бўлолмади. Уша пайлар тонгда Москвага жўнаб, яна ТошДУ ҳуқуқшунослик куллиётининг кечки бўлим талабаларига дарс бериш учун

ШАКАР ОПА

Халқ артисти Шукур Бурхоннинг умр йўлдоши Шакар Бурхонова билан суҳбат

марта 1940 йили олийоҳда ўқибган кезларим кўрганман. Сочим узун, ибо билан қийнардим. «Алишер Навоий» фильмига бош қаҳрамон ролига муносиб қиз излаб юрган экан, режиссёр И. Пратазанов фильмига таъриба тариқасида мени Гули, Шукур Бурхоновни-Мансур, Аббор Ҳидоятовни-Навоий ролида (1941 йил) суратга олди. Режиссёр «Мирзакаримбойнинг қизисиз»... — дея суратга туширди. Шу фильм сабаб Шукур ака билан танишиб қолдим.

— Уша миллий тарихимиздаги Мирзакаримбойнинг қизимисиз?

— Ҳа... Шукур ака билан кечирган ҳаётингизни сузлаб берсангиз?

— 1943 йили Усмон Юсупов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия опалар Шукур акадан сочми бўлиб келишиди. Биз турмуш қурдик. Бир-биримизни яхши тушунардик, аҳил яшар эдик. Шукур ака содда, камтарин инсон эди. Лекин суймаган кишинини суймасди ҳам. Хонадонимизда Маъмуржон, Жураҳон каби санъаткор, Улмас Умарбеков, Мақсуд Шахшода, Ёнгин Мирзо, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа адиллар, ёш ижод

етиб келардим. «Ҳа, Шавкатга нима бўлибди?» дея Шукур ака сураганида, «бир оз шамоллабди», деб ёлгон гапирардим. Фақат ўғлим Шавкатнинг тобутини олиб келганимиздагина Шукур ака ишонган тоғидан айрилганини тушунди... Ёзувчи Улмас акангиз «Қиёмат қарз» асарини айнан шу уттан ачиқ ҳаётимизга боғлаб ёзган эдилар. Худо раҳматли қилсин...

...Шукур аканинг вафотидан кейин ҳам Шакар опа унинг ҳўрмат-иззати ва шаънини ҳимоя қилиш учун елиб югурди... Ниҳоят, Ш. Бурхон қабрига ёдгорлик ўрнатди. Узи яшаган Садаф қўчасига Шукур Бурхонов номи берилди. Актёр хонадонига музей ташкил этилди. Музейга ҳар байрамда, хотира кунларида санъат, адабиёт, маданият намоёндалари келиб туради. Хонадонга ташриф буюрганларни актёрнинг умр йўлдоши Шакар опа буюк санъаткор Шукур Бурхон ҳаётлигидагидек илқ кутиб оладилар.

Муҳтор СУЛАЙМОНОВ

Сураган эдингиз

САВОЛ: Менинг бошим тез-тез оғрийдиган бўлиб қолди. Врачларнинг ҳулосаварига қараганда унг пешонамининг тега қисмида «киста» бор экан. Менга 1-гурӯх ногиронлиги беришди. Тошкентда қайта дан даволанмоқчиман. Лекин иқтисодий қийинчилик сабаб... Айтингчи, менинг касаллигимни бепул даволанишнинг чораси борми? Бу ҳақда қўнунчилик нима дейди?

ҶАВОБ: Хатингиз маълумига қараганда бош миёя ҳисмининг ўнг томонида ўсимта бор экан. Бундан касалликлар онкологик касалликлар турига кирди. Қўнунчилик бундай касалликларни даволлашда имтиёзлар белгилаб қўйган. Жўмладан Ўзбекистон Республикасида Вазирад маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сонли қарорининг 4 та иловасида тула қўрсатилган. Газетамизнинг шу йилги 16-сонидан сизга аҳамиятли бўлган мавзуд имтиёзлар ҳақида баён қилинган.

САВОЛ: Мен қишлоқда фельдшер бўлиб ишлайман. 1997 йилнинг июнь ойигача ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари электр қува ти, табиғий газ, қумирдан имтиёзли фондлардан эдик. 1997 йилнинг июлидан ярайдан бошлаб, тушан молия бўлими томонидан қишлоқда яшаш ишловчи тиббиёт ходимлари шу имтиёзлардан маҳрум қилинди. Шу тўғриси?

Б. МАМАТҚУЛОВ, Нурота тумани ҶАВОБ: Амалда бўлиб келган қандай қўра қишлоқ жойларида ишлаётган ва истикомат қилётган врачлар ва урта тиббиёт ходимларига юқоридаги имтиёзлар мавжуд эди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти қийинчиликлари, молиявий ҳолат оғирлиги сабаб бундай имкониятларни амалга оширишга имкон бермаётган.

Масалани ойдинлаштириш учун вилоят ҳокимлигига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳуқуқшунос Абдулжалил ХУСАНОВ

Турмуш чорраҳаларида

ҳам битта эканларда. Булмаса менинг айтганларимни қилишаримди.

Комрон овозини пасаитириб қўшиб қўйди. «Биласизми, мени оимининг қоридан операция қилиб олишган экан, бошқа бола тумтасмишлар»...

— Эҳ, атанг, Комрон бей, сизга шу яшаингиз ёқадими?

— Нима дейсангиз, ёқмайди-да, опахон ҳеч ҳам ёқмайди. Нимага десангиз, мен оим билан дадамни яхши кўраман. Уларни соғинаман. Бу совгаларни эса ёмон кўраман. Атайлабдан тақаман. Қўпична узимни касалга соламан. Туполон қиламан. Қиймат нарса

ларни олиб берасизлар, деб туриб оламан. Шундай қилсам, уларнинг жонига тегаман-да, дадам билан оимини яраштириб қўйишди, деб ўйлайман. Бузиларим билан буваларим эса айтганимни қилавермишди. Мен булсам, яна ҳар хил баҳоналарни ўйлаб топавермишди. Ҳеч ким гапимга қўлоқ солмайди. Фарида опа, сиз менинг гапимга қўлоқ соласиз-а? Дадам билан гаплашқин. Оим билан ярашинлар. Булмаса, улиб қоламан, — деди менга термулиб Комрон. Қўларига маъюслик чўмган Комронни қандай қилиб юпатишни билмасам-да, суз бердим. Даласини ишонсанни сурадим. Бола гурур билан катта бир ташкилотнинг номини айтди.

— Дадамни албатта топасиз-а? — деди умид билан.

— Топаман, қурасан ҳали, оим билан даданг ярашиб ҳам кетишди, — дедим.

Комронни шундай деб юпатилман-у, аммо... боланинг изтироблари қўнглимга қўнгандек эди гуё. Агар боланинг дадасини топганимда ҳам...

Тақдирлари икки томон ажрашиб кетган у эркак билан аёлнинг йўллари яна тугашармикан? Шофайзлик Комрон бейнинг ярим қўнгли бут бўлиб кетармикан?

Басира САЙИД АЛИ

Яқингача Комрон исмли болакаини танимасдим. Бир кун одатдагидек кўчани суғураётган эдик. Узоқдан бир бола келаверди. Яқинлашган эса, кемшиқ тилларини курсатиб, жиймайди. Тухтади Назаримда ким биландири гаплашқини келарди. У дарвозанинг ёнига ўрнатилган ўтиргичга ўтириб, суради:

— Кеннойи кўчани ҳар кун суғурасиз-а?

— Ҳа, ҳар кун суғураман-да. Менинг оимилар ҳам суғурадлар... — деди бола хўрсиниб. Сизни курсам оимининг эрталаблари кўча суғуришларини эслаймэн...

— Оиминг қаердалар, — деб юбордим бейхўрлар.

— Кеннойи исмингиз нима? Менинг исимим Комрон. Дадам «Чолиқуши» деган кинодан қўнган, — деди у гурур билан.

ШОҲАЙЗЛИК КОМРОН БЕЙ

Мен ўшашиқдан ажабланиб, болакайга қараб қўлдим. «Менинг исимим эса Фарида» дедим. Шу пайт қизим чўкиб «Ойжон, гадаги сув қайнаб тошиб кетай дегитти» дедганида, бу аксийиб болакай билан анча вақт гаплашган бўлардим. Шундан сўнг таътилга чиқиб қишлоққа кетганлигимиз боис, анча вақт уйда бўлмадик. Кўнларнинг бирини бу дилқаш болакай яна пайдо бўлди. Севиниб кетганимдан суғуришни ерга қўйиб, у билан анча гаплашқин. У жуда башанг кийиниб олган, буйинида тилло «тросс», қўлида... тилла соат.

— Комрон, қаерларда эдингиз? Мен сени роса қўлдим, — десам, у зумраша: «Мен ҳам сизни қўргим келди. Фарида хоним» деса бўладими...

— Комрон бей, кимматбаҳо нарсалар тақиб олибсан, уларни қаердан олаёсан, — дедим шубҳаланиб.

— Мен олаётганим йўқ, уларни беришди. Оимининг ва дадамнинг ота-оналари. Мени кетиб қолмасин, деб совға қилишди-да.

— Сенинг оиминг билан даданг...

— Э, уларни, урушиб қилишган-да, дея Комрон қўларини сийлаб, жавоб бериш ўрнига хайрлашиб жўнаб қолди. Шунчаки ҳазил билан бошланган дустлигимизнинг, яъни дустимнинг сирини билишга иштиёқ

туғилди. Балки, уларнинг ота-онасини танирман, баҳонада уларни яраштириб қўраман. Орадан тўрт кун ўтган Комрон яна узоқдан келаверди. Олдимиғи етиб келганида унинг маъюслигини қўрдим.

— Шошмай тур, Комрон бей, зарур ишим бор, — дедим.

У булса, «Майли аввал мен уйдагиларга телефон қилай, бувилар хавотир бўлмасин», деди. Комронга «юрақол, телефон шундоққина айвонда» дедандим менинг «сотка»сини чиқариб, рақамларни тердида, «буви, бувамага айтинг, мен йўлда иш билан ўшаниб қолаёман: хавотир олманлар», деди. Мен қўлиб юбордим. Чой устида қўннимиз Гулбаҳор пул сураб чўкиб қолди. Уйдаги бор пулим у айтган микдорга юз сўмча етмай қолди. Хижолатга тушаётганини қўриб, Комрон ёнидан бир даста пул

олиб, юз сўмликни менга узатди. Хайрон бўлдим. «Э, қўнсанчи, бу пуллар қимматли, нега иштатаёсан», дедандим. «Агар олмасанглар кетиб қоламан, менда ҳатто доллар ҳам бор», дея чўнтагидан долларни чиқариб курсатди.

— Комрон бей, сандан бошқа набиралари йўқми? — Йўқ-да, дадам ҳам, оим

Мулоҳаза, мунозара, мушоҳада

ОДАМ НЕЧА МАРТА ТУГИЛАДИ

Биз яхши биламизки, одамод бу фойи дунёга бир марта келади. Бойки дунёда эса бу дунёда қилган яхши ва ёмон амалларининг мевасини ёйди, ажрини тортади. Агар одамда қайта-қайта туғилиш, қилган гуноҳларини ювиш, хатоларини тўзатиш учун шунча катта имкон бўлганда эди, умр бу қадар эъзозланмаган булар эди.

Ҳа, инсон бир марта туғилади ва бир марта ўлади. Қайта-қайта туғилиш даъвоси, маълум маънода Аллоҳга ширк келтириш билан баробардир. Бизда эса, худди шундай даъво умига хос кўринишда урфга айлини кетаяпти.

« — Кеча қайсингимиз қизининг туғилган кунини эди. Болаларни олиб, аста бордик. Қишлоқдан кичик боғчага болаларини олиб келган экан. Энди бир-бир кул олган эдик, қайнота билан қайнона кенжа қайнога билан келиб қолди. Бизнинг қайнота кекса бўлсам, роса улфати одамда, бир уйда аёллар, бир уйда эркаклар ярим тунгача утирдик. Тўрт-беш рўзгорнинг болалари ҳам булган денг, хали «губ» этиб, аёллар утирган хонага киришади, хали биз утирган хонага киришади. Бир пасда ҳамма томонни ағдар-тунтар қилиб чиқиб кетишди. Бир пайт қарасак, ҳаммаси ҳар томонда думалаб ўлаб қолган. Сунг «кетдик» дедим...»

« — Кеча кенжа ўлимнинг туғилган кунини эди. Кундузи синфдошларига кичикроқ бир базм қилиб бердик. Қариндошлардан ҳеч кимни айтмаган эдик. Шундай бўлсам, тарадуд кўриб қўйдим. Айтганимдай кечки пайт «Ассалому алайкум» деб бирин-кетин кириб келишса бўладими? Шунча тайёргарлик билан ҳам шобиб қолдим. Икки кило гуручдан ош қилган эдим. Ҳеч нарса бўлмади. Кейин, «бир кун эканда» деб, қартошқа билан бор гуштириб қўйдим. Сақизта ароқ кетибди...»

« — Фалончи ун тўрт ёшга кирган қизининг туғилган кунини ресторанда утказибди... Концерт, видео денг... Энди, менинг қизим ҳам жанжал қилаяпти...»

Бу нима? Тўқликка шўхликми? Сурбетликми? Шухратпарастликнинг бир белгисими? Ҳаммаси. Молу дунёсини қаерга қўйишни билмай, икки яшар қизчасининг туғилган кунини баҳона,

базми жамийд утказётганлар учун тўқликка шўхлик, шухратпарастликдан бошқа нарса эмас. Бир марта бировнинг дастурхонидан туйиб қайтишни катта фойда дея, айтилмаган жойга «туғилган кун»ни баҳона қилиб борганлар учун эса — сурбетликнинг худди ўзи!

Аммо, зинҳор маданиятлиқнинг белгиси эмас!

Немис халқи жуда маданиятлиқ, ҳисоб-китобда аниқликни, ҳалолликни яхши кўришади. Улар вақтга, вақт сарфлаб топилган моддий дунёга катта ҳурмат билан қарайдилар. Олга исмли рус уртоғим қозоғистонлик немис оилаларидан бирига келин бўлиб тушган эди.

Киз бола урф-одатлари бир хил бўлган бир оиладан иккинчи бир оиллага келин бўлиб тушган, то янги оилаларга тартиб-талабларга қўйилганча қанча қийналади. Бу тунлай бошқа миллатга мансуб оиллага тушганда қандай бўлади? Олга бу ҳақдаги саволларимга шундай жавоб берарди:

« — Жуда қийин бўлган. Мен урилшиб кетган ўзбекларни, ўзбеклашиб кетган урилсларни кўп учратганман. Аммо немислар уз урф-одатларига, қондаларига ниҳоятда содиқ ҳал. Афоэл томонларини айтиб, минг марта мақтайверинг, улар уз урф-одатларидан воз кечмайди. Масалан, туғилган кунлар. Бизда туғилган кунга чакришмайди. Яқин дусларга, қариндошларга узлари бориб, табриклаб, меҳмон бўлиб қайтаверишади. Уларда эса бошқача. Чакрирса, борасиз. Дўлмаса, энг яқин одамнинг булса ҳам, бормайсиз. Туйимиз бўлган йили қайнонамнинг туғилган кунига роса тайёргарлик қурдим. Қандолатчиларга буюртма қилиб катта торт тайёрлатдим. Анча пулга совға олдим. Кечки пайт, эримга «юринг, энди, десам, «жуда боринг, келса, қўнғирқ қилиб рухсат сура, онам чакрирған йўқ, бормаймиз» деб утирибди. Нима қилишни билмасдан, қайнонамга қўнғирқ қилдим. Тарадуд курганимизни, агар рози бўлса, бормоқчи эканлигимизни айтдим.

« Йўқ, мен сизларни қабул қила олмаيمان. Тайёргарлиги йўқ», деди қайнонам.

Кейин билсам бу халқ учун одадгаги тартиб экан. Энди, нафақат қўнғирқ кетдим, балки бу тартиб, урф-одатларнинг асосий қисминини маъқул топадиган бўлиб қолдим. Улар вақтнинг жуда қадрлашади. Худа-беҳудага бир-бириникига бориб, лақиллашиб умрини утказиб юборишмайди.

«Йўқ, мен сизларни қабул қила олмаيمان. Тайёргарлиги йўқ», деди қайнонам.

«Йўқ, мен сизларни қабул қила олмаيمان. Тайёргарлиги йўқ», деди қайнонам.

Ҳақиқатан ҳам яхшироқ разм солсангиз ривожланган мамлакатларда вақтга асосий бойлик сифатида қаралади. Бесуроқ, тақлифсиз, бировнинг эшигидан бормаиди. Масалан, японлар меҳмон гапга берилиб, келишилганидан зиёдроқ утириб қолса, кузга ташланадиган бирон ерга сугурги келтириб қўйишар экан. Меҳмоннинг қўзи сугургага тушиши билан уэр сураб, уридан кузгалар экан.

Бизда ҳам «вақтинг кетди, нақдинг кетди», дейишади. Аммо бир бекорчи қариндошингиз «бугун ўлингизни туғилган кунини эди-я» деб бола-чақаси билан кириб келса, индамай бори-ўтингизни дастурхонга қўясиз. Бунинг устига энг муҳим ишларингизни қўйиб, вақт сарфлаб, мулозамат қурасатсиз...

Болаларига «туғилган кун» дея базм уюштириб, қариндош-уруғ, дўст-ёр чорлаётган аёл эрга маслаҳатчи бўлиши керак. «Шу маблагга рўзгорнинг маълум камини битирсак маъқул эмасми? Аввало рўзгорнинг камини ҳеч адо бўлмайди. Қолаверса, жуда тўқис, даромди буромаддан зиёда рўзгор бўлса, муҳтожларга хайру-саховат қурасатсин.

Аелига «Бугун қозон осмасанг ҳам бўлади», деб уйма-уй базм излаб юрадиганларга ҳам худо ақл, инсоф берсин. Чакрилмаган жойга бориш гирт маданиятсизликдир.

«Уттиз ёшга кирдим, 35 ёшга кирдим, 36 га кирдим, деб ҳар йили меҳмон чорлаб, совға-салом йиғишни, турда утириб мақтов эшитишни хуш қурадиган қишлар узларига савол бериб қурсинлар: «Бу ёруғ дунёга келиб ниҳонлашга аризуғлик нима иш қилдим? Мен ўзи қимман?»

«Йўқ, одам олтишга кирса, пайғамбаримизнинг ёшига кирса, минг оянинг юзини қурса, фарзандлари «отамга э онам шундай довлонларга етиб келди», дея шўхроналик билан элга ош қилиб берса, бунинг файзу-баракаси бўлади.

Аммо, биз утказётган туғилган кунлар... Уларнинг таърифини битта сузга жамлашнинг имконини топа олмадим.

Ҳар қалай, бир ҳақиқатни яна бир бор таъкидлашнинг лозим топдим: «Одам бир марта туғилади».

СОЛИҲА, Сурхондарё

Табриқларимиз!

Азиз қизимиз, Шонравону! Сени таваллуд кунинг билан табриклайман! Гулдек очилиб, қўзимизни қўнатиб, доимо соғ-саломат бўлиб юргин.

Хўшамиз Интиша СУЛТОНОВА! Сизни 35 ёшга тулингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. СИЗГА узоқ умр, бахт-саодат тилаб: Умр йўлдошингиз АБДУБАНОВ ва фарзандингиз БОБУРЖОН

Хўрматли Раҳман ака ва Дилора опа! Нихоҳингизнинг қумуш айбини муборак бўлсин. Ҳамиша соғ-омон бўлинглар. Дўст — ёронлар олдида қаддингиз тик, иззатингиз баланд бўлсин.

Азиз ака ва қаммонин Сабдулло ва Зуфар АБДУҚОРИЕВЛАР! Сизларни 50 ёшингиз билан қутлаймиз! Онангиз, ака-ука, сингилларингиз номидан: Жамилахон

Азиз отақонимиз! 26 йилдан буён республика матбуотларида фаол қалам тебратиб келаятган оилани сардори, 5 фарзанд тарбиялаб, 7 набиранинг бобоси бўлмиш отам АБДУЛЛА ТОЛИБ ўгли! Сизни 62 ёшга тулган кунингиз билан барча оила аъзоларимиз, шахсан ўз номидан қизингиз табриклайман! Чинордек узоқ умр, доимо соғ-саломатлик тилаб қолувчи:

Қизингиз Дилафруз, Тошкент, Жангоҳ маҳалласи

«ОИЛА — 515» Қўқонда яшайман. Эшим 27 да, 1 қизчам бор. Саранжом — саришталикни, уй-рузгор ишларини бажаришни ёқтираман. Ўзимга муносиб кишини излайман.

«Оила ва жамият» қадрли газетам! Мен сен билан чин қўнғилдан дарадлашмоқчиман. Қўқондан, янги саккиз йилдан бери юрагимни эзаятган армонларим ҳақида сен билан ҳасратлашмоқчиман. Бу мактубни ёзишимга «Отамнинг исми Раҳматхон экан!» сарлавҳали мақола сабаб бўлди. Аввалига «Кунларнинг бирида...» танловига ҳам ёзмақчи бўлдим. Лекин... Кунларнинг бирида уй юмушларини бажараятиб қўлимга иккита қўғоз

ҚАЕРДАСИЗ, АЗИЗЛАРИМ?...

туйиб қолди. Нима ёзилганига қизиқиб ўқиб бошладим. Уқийман-у, ҳайрат ва ҳаяжон вужудимни эгалляпти. Галати бўлиб қолдим. Бошим оғирлашиб, қўлоқларим гарандек, қўлим шол, қўш ўшларим тиркираб оқади. Қоғозда муҳдиш, мен учун ниҳоятда муҳдиш бўлган аччиқ ҳақиқат ёзилган. Бу сузлар вужудимни оловдек ёндирди. Хатни — ҳужожатни ўқиб жонсиз бўлдим-қолдим. «Наҳотки?!» — деган фарёд буғзимдан отилиб чиқди. Ҳужожатда қуйидаги сузлар бор эди. «Қобилова Холбиби, отазывается от дочери...» ва менинг исми. Ҳа, шундай сузлар бор эди. Наҳотки, «Қизим» деб юрган аёл мени тугмаган бўлса-я, шунинг учун бировни «адаҳон» дейишлик бир умр насиб этмаган эканда менга... Ю-юм йилгалайман-у, ун саккиз ўшимга қадар ўтган кунларим қўш олдимида худди қилонлардагидек, бир-бир ўта бошладим.

Чирчқ шаҳридан олинган экан. Бир умр йўлимга, меҳримга ниғорон бўлсин, деганмикан, онаминг ўзи исминини Ниғора деб қуйган экан. Онам Қобилова Холбиби, отамнинг исми Қобилова Аҳмад экан. Мени ҳозирги онамга (исмлари Жамила) Асад ака деб келган эканлар. Тугилиш ҳақидаги гувоҳномамни доимо олиб юраман. Бу билан, гуё худди онамни қўргандай бўламан... Ўзим она эмасманми, фарзандимни қўрмасам соғиниб қоламан, балки мени ташлашга мажбур бўлган онам ҳам... Қон йиғлаб қолган-дир, ҳамон уртайиб, эзиллиб яшаб юргандир...

Бўлар-бўлмасга мени турткилашар, калтакдашарди. Шунда «Нега мени ҳақдеб ўғал боладек турткилаверасизлар?» дея нола қилардим. Демак ўша пайтлар... Минг афсуски, шунчаки деб ўйлаган азобларим, етимликнинг аччиқ ҳақиқати бўлиб чиқди. Ун саккиз ўшимда мен тақдирдан ана шундай «инъом» олгандим. Ҳозир 26 ўшдан. Турмушга қичдим. Бахтимга турмуш уртоғим жуда роийшли йигит. Бир қизчамиз бор. Бирок...

...Онажон, отақон қайдасизлар эҳти мол ҳар бирингизнинг ўз оилангиз, фарзандингиз бордир. Лекин мен ҳам борман, утинам мен дийдорлигидан мосуво қилманг... Сизларни интизор кутувчи ўқсиз қизингиз — Нигора...»

Басира САЙИД АЛИ

«ҚҮЛОЛА» ШОФЁРЛАР

Избоскан туманидаги Ботиробод қишлоғилик Ш. Юсупов машина ҳайдаганда узини қўшдек ҳис қилар эди. Ҳамқишлоқлари ва таниш-билишлари унга ҳавас қилиб қарашарди. Юсупов бинойидек қўллари рўлда, қўзлари йўлда машинасининг гилдирагини ер искатмасдан ҳайдаб юрганди. Аттанг, шундай йиғимта сира қутилмаганда «кўз» терса денг. «Эл қўзи эликта» эмасми? Бирини бўлса, бири тегар эканда. Аслида-ку, ҳамма айб ўсида. Носоз техникани бошқармаганда бошига бундай балолар ёғилмасди. У «парвоз»га шайланган оқушга ҳушай турган машинасини ўт олдирмоқчи бўлганда ёнгин содири бўлди. Олов учун эса хулу—қуруқ баробар эди. Шунинг учун машинасини ҳам, унинг эгасини ҳам ямади.

«01» хабар қилади

«Юрак қисми ва башарасидан» олов ўтиб қўйди. А. Зиева бундай буса лаззатидан транспорт ҳалокати тўғайли баҳраманд бўлди.

Китоб туманидаги Обеканда қишлоғилик Ҳ. Сафаров ҳам ёнгидадан катта моддий зарар кўрди. Молхонда содир бўлган ёнгин илтижазилда буюқча ва қўш қўзи нобуд бўлди. Эқидликда сиғир ҳамда она қўйга қўшилиб унинг эгаси ҳам мотам тўтмоқда.

Хўрозларнинг урушганини қўрғанимизга? Агар қўрған бўлсангиз, зарбага ўраган ҳарор анча нарбита ўчиб кетади. Зарба қўли бўлса, оёғи осмондан бўлиб қолмиш ҳам ҳеч гап эмас. «Самарқанд — Тошкент» катта йўлида содир бўлган транспорт ҳалокатида «Нексин» энгил машинаси қоптоқдек ўчиб кетди ва бутунлай ёниб қули кўкжа соврилди.

Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 70 дан ортиқ ёнгин содир бўлди. 7 кишидан ташқари оғди. Қурилган моддий зарар эса 650 минг сўмдан ортиқни ташкил этади. Олов балосининг 80 % кўпроғи аҳоли ашайдиган уй-жойларда содир бўлганини қайд этмиш жоиз.

К. ТОШ, М. БЕК

Оқунбобоев туманидаги Муствақиллик қўчаси, 25-ўйда истикомат қилувчи Ш. Шерма тов энгил машинасини фарзандларидек «эркалалаш»ни хуш қуради. Аммо унинг ёқилганини ҳисоб-китоб қилмайдиган «қўлола» шофёрлардан эди. Йўғасам, бензиндан эҳтибатсизлик билан фойдаланмас ва оқир-оқирда деки қули ҳамда елкаси қуйиб, шифоқона даволаниб ётмасди.

Элимиз кимнинг машинаси бўлса, «қўш хотинли» деб аташади. Қўқонлик А. Зиевага тегишли «ВАЗ 2106» русумли давлат рақами «К 69—75 ФЕ» «хотин» (енгил машина)ни

Акс садо

Мен ушбу газетанинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман. Чунки ҳаётдаги муҳим узгаришлар, оила сабоқлари, ҳаётнинг қувонч ташвишлари газетада ўз аксини топади.

Муҳайи Мирсаидованинг «Қади баланд бўлсин» деб номланган мақоласи мени сизларга мактуб йўллашга ундади.

Ҳа, кейинги пайтларда республикамизда қизларни ёш узатиш урф бўлиб бораяпти. Мен бунга албатта қаршиман.

Ота-оналар айниқса, талаба қизларини узатишга шошилмасликлари керак. Қизларини узатганда уларнинг ҳам кунлига қарасалар яхши бўлар эди. Ахир қиз бола тушган жойида тиниб-тинчиб кетса, ота-онанинг бахти-ку!

Уша пайтда талаба эдим. Мени 9 опа-синглимнинг ичида ягона ўғил булган йигитга унаштиришди. Ота-онамга бу йигитга турмушга чиқишга рози эмаслигини айтдим. Лекин улар қўлқо солмадилар. Улар фақат: «Яхши одамларнинг фарзанди ҳам яхши бўлади», дейишар эди. Шундай қилиб, менинг қаршилигимга қарамасдан тўй ҳам бўлди. Тушган жойимдагилар ҳақиқатдан ҳам яхши одамлар экан. Улар билан тезда тил топишиб олдик. Лекин ҳаммаси 15 кундан кейин бошланди...

Турмуш уртоғим тез-тез ичиб келар, арзиманга сабаблар билан жанжал кута-

рар эди. Табиатим оғир-босиқ бўлгани учун уйдаги жанжалларни бировга айтмасдим, уларнинг ҳаммасини ичимга ютиб қўя қолар эдим. Узим таллабаман, лекин дарс тайёрлашга ҳам, келинлик вазифаларини бажаришга ҳам улгурар эдим. Билмадим, талабалигим, турмуш уртоғимнинг кўп ичганлиги, ёки 30 километриклик ерга ҳар кунни қийналиб ўқишга катнаганим, яна оиладаги келишмовчиликлардан қўпича сиқилиб ҳолишим сабабми орзиқиб кутган фарзандим, яъни ўғлим ногирон туғилди. Ана шу пайтда қанчалик изтиробга тушганимни, дашномлар эшитганимни билсан-

хали ҳам юриб кетгани йўқ, яхши гапиролмас эди. Дадаси эса ичинини қўймас, ўғлини даволатишга бефарқ эди. Яна бир жанжалдан сўнг отамникига кетишга қарор қилдим. Шундай қилиб, осонгина ажралишдик, чунки турмуш уртоғим ҳали қонуний ажрашмасимиздан олдин уйланиб олди.

Энди мен фарзандларимга ҳам ота, ҳам онаман! Энди ишлаб толган пулимни фақат ўғлимнинг соғлиги учун сарфлашга қарор қилдим. Уғлимни туман, вилоят, республика дўхтирларига қуратдим, қайта-қайта даволатдим. Бу йўлда менга ўзимнинг ота-онам, она-укаларим яқиндан ёрдам бер-

ман, деб бахтсиз қилиб қўйганларидан ҳозир пушаймондалар. Бахтсиз бўлишимга фақат ота-онамни эмас, балки ўзимни ҳам айбдор деб биламан. Чунки мен ўз фикримда қатъий турганимда бошимга шунақа савдолар тушмас эди...

Ота-онамникида яшаётганимга ҳам 8 йил бўлди. Мана шу йиллар давомида онам мени сураб келган қанча-қанча совчиларни кузатдилар. Мен эса ўғлим соғайиб кетмагунча турмушга чиқмаслигини айтардим, турғироғи, агар турмушдан чиқсам яна бахтсиз бўлишдан қўрқардим. Айтишадими «сутдан оғзи куйган, қатиқни

қолди. Кўпгина эркаклар кўш хотинли ё бўлмаса уйнаш орттириши оқдодий ҳол деб ҳисоблаб қолдилар. Айб кимда? Албатта эркакларда. Узингиз уйлаб қуриңиз. Севиб, ота-она розилиғи билан турмуш қурган аёл, албатта, оилам дейди. Ёш оилани оёққа тургазгунча Хосият опа нималар қилмади! Емай едириб, ичмай ичирди, аспирантурада ўқитиб энди роҳатини кураман деганда шунини миннатдорчилик, шуми инсоф, виждон?

Бизнинг ўзбек эркаклари, ҳа, ўзбек эркаклари пули қўпайганда босар-тусарини билмай қоляптилар. Бир нима десангиз, дарров Исрома муаммик, дейишади. Исромининг қайси фарзига амал қилувди-ки, бунга амал қилса... Исрол динида мумкин экан деб хотин устига хотин олиш уйдаги хотинини тириклайин ўлдириш-ку. У аёл тирик юрса ҳам, ўзи қулиб турса ҳам энди унинг қалби чилларчин. Фарзандларича? Наҳот уларни она уйлашса, ота уйлашса? Ота ҳеч бўлмаса қизларидан уялмаса?

Пули қўпайганда оилани бўтлашга, фарзандларга ёрдам бериш урнига ёш хотин турса, эртага бу ота қариса фарзандлар керак бўлади-ку. Наҳот улар эртанги кунни уйлашмаса. Менинг фикримча, фақат худдин, машаат-боз, ҳаром йўл билан пул топганлар оила, аёл қадрига етмайди. Бундайларга шафқат йўқ.

Хосият опа, Сизда айб йўқ. Сиз ўз хотинлик, оналик бурчингизни адо этибсиз. Эрингизни бўлса худойим ўзи жазоласин!

РАЪНО Фаргона.

«ҚАДРИ БАЛАНД БЎЛСИН»

(«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» — 26 СОН)

гиз эди... Кейин ўқини ҳам тугатдим. Ишга ҳам жойлашдим. Уғлим роса 3 ёшга тулганда қизим туғилди. Худого шукур қизим соғлом туғилди. Энди мендан бахтли одам йўқ дунёда!

Уғлим 3 ёшда бўлса ҳам ҳали юрмаган, тили чикмаган эди. Дадаси эса ичинини давом эттирар эди. Қайнонам ва қайнотам қийналган ва сиқилган пайтларимда қўлларидан келганча ёрдам берад эдилар. Улар: «Биттагина ўғил деб, ўғлимизни эркатлиб қўйган эканмиз. Уйланса ичинини ташлар, дегандик. Қизим, оғир-босиқлик қилсангиз ҳали ҳаётингиз яхши бўлиб кетади», — дер эдилар.

Уғлим 5 ёшга тўлди, лекин

дилар. Яхшиям улар бор экан! Лекин ўғлим 11 ёшга етганд ҳам соғайиб кетмади, аксинча, соғлиги оғирлашиб, умуман бир жойда ётиб қолди...

Унинг мултираган қушларига қараб уйқусиз ўтказган тунларимнинг, азобли қуларимнинг сон-саногини йўқ...

12 ёшига етганд эса, ўғлим оламдан куз юмди. Менинг барча ўғилларим чилларчин бўлди...

Ана шу кунларда ўғлимнинг дадаси учинчи марта уйланган, янгигина куёв эди... Яхшиям бахтимга ота-онам, она-укаларим ва қизим бор экан. Улар доимо менинг внимда, менинг дардларимни биргаликда баҳам қиларди.

Ота-онам мени бахтли қила-

хам пуфлаб ичади», деб...

Мен ота-оналарнинг қизларини турмушга чиқариш пайтида ҳеч қачон шошилмасликларини ва янглишмасликларини истаиман. Чунки инсон ҳаётга фақат бир марта келади!

Ҳурматли ижодкорлар! Хатмининг бу қисмини аслида олдинроқ юборишим керак эди, Лекин айрим сабабларга қўра сизларга ёзган ушим юборилмай қолган эди. «Чендан қўра кеч яхши», деганларидай хатимни кеч бўлса ҳам юборишга қарор қилдим. Бу хатни М. Каримованинг газетанинг 19-сонига босилган «Айб ўзимдан утдимми?» номли мақоласини ўқиганимдан кейин ёзган эдим.

Хосият опанинг бошига тушган ғам ҳозир янгилик бўлмай

Мен жуда эрта турмуш қурдим. Ақамнинг туйига келган меҳмонларга ёқиб қолган эканман. Туйдан кейин уйимизни совчилар босишди. Ота-онам «Қизимиз ҳали ёш», дейишса ҳам қўйишмади. «Берсангиз ҳам, бермасангиз ҳам келин қилмасиз», дея оёқ тираб олишди. Ниҳоят мени — ўн беш яшар қизни келин қилиб тушириб кетишди. Ёшлигим, гурлигим тўфайли ҳаёт синовларига бардош беролмадим. Ҳадеганда турмушнинг муштариги тайёр туриб, рўзгор ташвишларига қўнқолмадим. Орадан беш ой ўтди. Ҳомилдор бўлиб, қизлик уйимга қайтиб келдим. Ушанда келин аям ҳам

Дил изҳори

ранжиган ва бу ҳақда бувимга хафа бўлиб гапирган экан. Шундан буюн беш йил ўтди. Беш йилдирки, ўзимни қўярга жой тополмайман. Виждон азобидан қутулолмайман. Айниқса, ҳар йили хандалак пишиги пайти келди дегунча дардим янгиланаверади. Уша воқеа ёдимга тушаверади. Баттар эзилиб кетаман. Шу-шу хандалакни жуда-жуда ёмон қуриб қолганман. Энди хандалак мени умримнинг охиригача таъқиб қилаверишини эсласам, юрагим уюшиб қолгандек бўлади.

Эҳтимол кўпчилик менинг бу ода-тимдан тарбия қурмаган қиз экан, деб

ХАНДАЛАКНИ ЁМОН КЎРАМАН

юкли эди. У мева-чевага кўпроқ бошқоронги булган экан. Мен бунақа нарсани билмасдим. Ёшим йигирма бирга кирганда озми-кўпми англагандекман. У пайтда бундай ҳолатлардан мутлақо беҳабар эдим.

Бир кунни дадам бозордан хандалак олиб келди. Нимагадир кунглим шу нарсани тусогандек бўлди. Хандалакни сўйиб ярмини келин аямга бердим, ярмини эса ўзим едим. Нафс балоси курсин, лоқал дадамга бир тилим хандалак илинмабман ҳам, кунгил учун енг ҳам демабман-а. Шунчакам нодонлик қиламанми? Албатта, кунлар утиши билан бу воқеа ёдимдан кутарилиб кетди. Бу орада она бўлдим. Дадам эса сариқ касалига чалиниб вафот этди. Бу дунёда улганга қийин экан. Қайтиб тирилмас экан. Лекин тириклар ошини ошаб, ёшини яшаб юраверишаркан. Мен ҳам йиғлаб-йиғлаб, отасизликка ҳам қўнқидим.

Дадамнинг қадалари уттах, бувим менга ёрилиб қолди. «Қизим, болагингни ташла. Энди катта қиз, она бўлиб қолдинг», деди. Бувимнинг бу гаплари замирида маъно бор эди. Ушандаги эркалигимдан дадам каттиқ

«Кунларнинг бирида...» конкурсига

ИБРОҲИМ РАҲИМГА РАҲМАТИМ

Мактабда ўқиб юрганимда нозикна эдим, салга чарчаб қолардим. Умримизнинг асосий қисми далада утарди. Қишда кунлар салгина илоса, ер текислашга чиқардик. Пахта экилгач, қатқалоқ юмшатишга, сунг яганга, кейин тўхтовсиз қайтаверадиган чопик, кейин чеканка, энг оғири пахта терими — норма юз-юз эллик бўларди.

Буларнинг барчасини кўтариш жуда оғир эди, бир пасда чарчаб, эгатнинг ичига ётиб қолардим, нуқул ҳисобидан, гап эшитганим-эшитган эди. Ягона қувончаним мактаб эди. Лекин, пахтани бегона ўт босдим, мактаб ёпиларди. Чеканкага улгурилмаптим, яна ёпиларди. Терим пайти-ку, айтмай қўя қолай.

Мени мактабда ҳам рассом, ҳам шоирлик бўруйим бор эди. Бироқ уйдаги оилавий шароит шундоқ айтиб туради-ки, шахарга бориб ўқиш — хом хаёл.

Бизнинг қишлоғимиздан жуда олисга бориб ўқишса, Каттакўрғонга боришарди, жуда ошиб кетса, битта яримтаси Самарқандга борарди. Ҳеч ким Тошкентни орзу қилмасди.

Аmmo пойтахт менинг тушларимга кирарди. Эсимда, пахта терадиган фартуғумнинг чунтагидаги қорғога тахминан бундай шеър ёзгандим:

Уфқлар орти улкан шахарлар,
Унда гузал бенилар саф-саф.
Унда кутар мени зафарлар
Унда кутар мени шон-шароф!
Энди ўқишга борсам, мендай расомни дарров ўқишга олишади, деб уйлаганман-да! Ушандаёқ «Саодат», «Гулистон» журналларига чизажак расмларини кўз олдимга келарди.

Ва бир кун Ишумт журнаliga — бoш муҳаррир Иброҳим Раҳимга хат ёздим. Ёздимки, мен ҳам рассом бўлишни орзу қиламан. Бироқ ҳажвчи рассом бўлишни эмас. Сиз Абдулҳақ Абдуллаев деган портретчи расомни билмайсизми, мабодо, билсангиз, адресини юборсангиз, эҳтимол уша киши менга бирор маслаҳат берад, деб Бахтимни қарангки, адиб Иброҳим

Раҳим билан Абдулҳақ Абдуллаев қўшни эканлар, икки ҳовли уртасида узимиз шеърларини бидирлаб ўқиб ташлайдиган шоир Қуддус Муҳаммадий турарканлар.

Бир кун Тошкентдан «Гулистон» деб ёзилган катта кўк конвертда Абдулҳақ Абдуллаевнинг мактуби ва асарларидан фотосуратлар келиб қолди. Шунингдек, хатда бошлангич тасвирий санъат асослари ўргатиладиган ўқиш — Беньков номли бадиий санъат билим юрти ҳақида маълумотлар — ўқишга кириш шартлари ҳам мукамал ёзилган эди.

Мактабимиз директори Муҳиддин ака Обидов отамни қундирдилар. Катта олам (адабиёт уқувчисини эди), мен ниҳоятда катта қувонч билан бирга қайдасан Тошкент, деб йўлга чиқдик.

Уша йили давлат раҳбарлари миллий кадрларни мумкин қадар ўқишдан йиқитмаслик ҳақида қарор чиқаришган экан, ҳужжат топширган бирорто қоракўз ноумид қайтмади ва устоз Абдулҳақ Абдуллаевга шоғирд бўлиш бахти менга насиб этди.

Шундан буюн мухтарам адибимиз Иброҳим Раҳим домлани барча яхши кунлариде эл қатори бориб бир даста гул билан йўқлайман. Аммо, ҳеч қачон юзма-юз бўлиб, сўхбатлашмаганман. У кишининг олтиши, етмиши ёшлик юбилейларида ёнларида, яшнаб утирган келинйўзимиз вафот этганларида, ҳам йўқладим.

Тошкентта «поэздаг осилиб» келганимга ҳам йигирма беш йил бўлди. Менинг елкамга турги келмайдиган оғир меҳнатдан домла иброҳим Раҳим тўфайли халос булганман. Ҳаётимда тую узгариш бўлишига сабаб булган бу улкан адибга нисбатан қалбимда катта эҳтиром бор.

Домла, кўп яшанг, мингга кириңг, ва мен Сизни қўлимад бир тўтум чучмома билан йўқлаб юрай!

Гулнора Раҳмон.

ИБН СИНО САВОҚЛАРИ

Нухат

● Нухатни ейиш ва ундан малҳам тайёрлаб суртиш, нухтали қонталашларни кетказди ва рангини тозалайди.

● Иссиқ шишларга, қаттиқ шишларга, шунингдек, белларда бўладиган шишларга фойда қилади.

● Нухат ёғи темиркатига фойда қилади; уни яна ёмон хил яраларга ва қичмага ишлатилади.

● Орқа мушаклардаги оғриққа даво.

● Бошдаги сувли тошмаларга фойда қилади.

● Нухат ивтирилган сув эса тиш оғриғига ва милкдаги иссиқ ва қаттиқ шишларга фойдалидир.

● Нухат кайнатилган сув қулоқлар остидаги шишларга ҳамда сариқ касаллигига фойдалидир.

ЕТМАК

● Бу тозаловчи балғам ва қора ўтқи кучирувчи.

● Пес ва доғни, сепкилни кетказди.

● Қўтирга жуда фойдалидир.

● Акса урдиради. Бу қулоқни тозаловчи ва чиркин кетказувчидир. Бурун тешиқларидан елларни чиқариб юборади. Ғалвирсимон сунжадаги тикилмаларни қўчи олиб, буруннинг хид сезмаслиқ касалигига фойда қилади.

● Иччи суради, сийдикни ҳайдади ва сийдик йўлларида тошни майдалаб ташлайди.

С. Саидахмад

тайёрлади

«ЗУР КИТОБ»

— Китобинг зур чиқибди, — деди бир йигит шоир дустига.

— Сенга қайси дostonим маъқул бўлди? — ҳаяжонланиб суради шоир.

— Дostonларингни ку билмадим, бироқ китобингни муқоваси жуда қалин, мустаҳкам экан. Бу ундан сабаби тўғрашда фойдаланялмамиз, — жавоб қилди дусту.

МУҲИМИ

Мижоздан сурткаш суради:

— Суратингиз қанақа бўлсин, ранглими ёки оддий?

— Фарқи йўқ, муҳими ўзимга ўхшасин, — жавоб қилди мижоз.

ОДОБИ

БЕОДОБДАН...

— Уғлим, туппа-тузук, маданиятли йигитга ўхшайсан. Кўпчилик орасида сизнинг чеҳрани уялмайсанми? — деди бир киши автобус уринидиги остига носини туфлаб.

НОТАВОН КЎНГИЛ...

— Ичасизми? — суради доктор кўзлари қизарган, юзи салқин бемордан.

— Сиз биланми? Майли... Иш вақтида қандай бўларкан... — гулдирди бемор.

Зоҳиджон

НЕЪМАТОВ,

Бағдод тумани

Холида АХРОРОВА

БОРМИСАН, ХАЛОСКОРИМ

(БОШИ УТГАН СОНЛАРДА)

... Ушандан бери ордан неча йиллар ўтиб кетди-я. Бир улимдан қолиб қайта дунёга келгандай янгитдан ҳаёт бошлагач, билди у ҳаётнинг қадрини. Йўқ, чил-чил бўлган оилави ҳаётини тикламади — тўғрироғи бунга у уриниб ҳам кўрмади, ҳатто бунга ҳаёлига ҳам келтирмади.

Ҳиёатни кечиролмади. Эрини уйидан қўрмади ҳам — қаёққа ҳам борсин. Болаларини жонидан ортиқ куради. Узи каби у ҳам болалар уйда ўсган. Қўни қўшидайд яшаб келишди. Бунга фақат икковлар билди холос.

Ана шундай кунларнинг бирида қўлига Куръони Карим тушиб қолди. Куръон тиловатга берилди. Куръон унинг онгида кескин бурилиш ясади. Шу кунгача у узининг кўр-басир бўлиб келганини англаб етди. Битта ҷумолини яратишга қодир бўлмай яради, Аллоҳ берган мукофотни рад этибми — уз ҳаётига чанг солмоқлик гуноҳи кабира эканини англаб етди. Шунга англаган кунданок ўзини бу гуноҳни содир этишдан сақлаб қолган нўғай болани ҳаёлан излай бошлади.

Ҳозирги ақли билан уйлаб курса, нўғай бола ўзи тушуниб-тушунмай уни шундайин бир гуноҳи азимдан асраб қолибди-я ушанда. Узи эса унга миннатдорчилик ҳам билдирмаган - бу эсига ҳам келмаган. Кўз унгида ўша нўғай боланинг қиёфасини тикламоқ бўлди. Лекин орққина қоматидан бўлак ҳеч нима кўринмади кузига. Ҳа, олазарак боққан мовий кузю, рангпар чеҳрасини эслайди. Яна... нўғай боланинг бағрида тураркан унинг териси устихонига ёпишиб кетганини ҳис этганини эслайди. Кўрмаган, билмаган, танимаган бир кимсага ёрдамга ошиққанининг ўзиёқ унинг қанчалар соҳир қалб эгаси эканлигини кўрсатмайдими.. уйлайди аёл нўғай бола ҳақида. Менинг жангари ўғлимдан бор-

йўғи беш яшар катта бўлган бўлиши керак ушанда. Кунда бир неча мартада зилзила бўлиб турган Тошкенти азимда, тун қоронғусида, нотаниш шаҳар кўчасида яқин-ёқин ким нима ҳаёлларда турганида у, бола боёқшини хубам кўрқитиб юборган бўлишим керак. «Кечир, болажоним, кечир. Соғинган онагни уйлаб, у билан дийдор кўришиш дамларини санаб турган бўлишим керак балки уша онларда. Мен ҳақимда ҳаёлингга нима гаплар келмади экан. Қаерда бўлсанг ҳам жонинг омон бўлсин, бола-чақаларингнинг роҳатини кўргин...» Узи эса ушандан бўёғига икки қизини узатди, ўғилларини уйлантирди, қатор неваралар курди. Ҳар тўй қилганида нўғай болани уйининг тўрида кўргиси келар, сарупосурғ билан сийлагиси — тун, дўппи кийгазиб, белига белбоғ кўйгиси келарди. Нўғай болаям элликларга бориб қолган, кап-катта киши бўлиб кетгандир...

Ҳаёт инсонга бор-йўғи бир мартагина насиб этадиган илоҳий бир омонат эканини Куръон билдирди унга. Нўғай болани ҳам уни гуноҳи кабирадан сақлаб қолмоқ учун АЛЛОҲ таолонинг узи йўллаган бўлса-чи...

Бордию ушанда ҳаётдан кўз юмса болаларининг ҳоли нима кечарди. Ахир ҳаёт ҳиёнат ва ғам-андуҳдангина иборат эмас экан-ку.. Бу ёқда шунча шодлиқлар, шунча яхши кунлар қатор кутаётган экан-ку уни... Эҳ, нўғай бола, нўғай бола-я, илоҳим умринг узоқ бўлсин, мен каби набиралар кўриб юргин, Худдининг ўзи сени ярлақсин! — юзига фотиҳа тортиди. Менга қилган мурувватингга яхшилик қайтаролмадим. Мендан қайтмаса, Аллоҳдан қайтсин.

Яна телевизорда кўргани никоҳ кийган қария куз унгида гавдаланди. Телевизион курсатувда ҳар ким ҳар нима деди. Агар унинг ўзининг сўзлаши керак бўлса айтарди: «Ҳаёт инсонга Аллоҳ тарафидан инъом этилган энг олий мукофот. Узини узи улдириш эса, аввало Аллоҳга исён бароба-

ринда гуноҳи азимдир. Ҳар қандай шароитда ҳам яшаб ўтмоқ керак. Дард берган Аллоҳ шифосини узи берганидай, бошқа йўқотишларинг урнини ҳам узи тўлдирди. Дардингга шифо изла, ғам-андуҳларни Аллоҳ сенга йўллаган қувончларга зийнатла».

Ёшлик-бебошлик, деб тўғри айтишаркан. Ҳозирги ақли билан уйлаб курса, узингча қанчалик тўғри ҳукм юртаяпман деб уйлаганинг билан ёшлик жўшқинлиги бор-да қонингга. Аслини олганда буларнинг бари АЛЛОҲнинг синови. Бўлмаса оқ бўйдан ҳарбийга қақирилган нўғай қайда. Зилзила пайти бўлганлигидан рўй бериши мумкин бўлган турли кори холининг олдини олиш учун ҳар даҳага қўйилган юзлаб соқчиларнинг бири эди у. Бошига тушган кўргуликни кутаролмаган қалб, аёлни уйдан суриб чиқариб, қайдан қайга келтириб қўйган эди. Машина тагига ўзини ташлашдан бир дақиқагина бурун у визиллаб учиб келаётган бу ажал машинаси ўзига зарб билан текканда қанчалар оғриқ туйишини, учиб бориб тушган жойида қонга беланиб, жон талвасасида хунуги чиқиб ётшини ҳам тасаввур қилган эди. Лекин шунга қарамай ҳиёнатдан, сотқинликдан қутулиш учун бошқа йўл йўқ деб билганди. Энди билса, инсон учун атиги бир мартагина бериладиган умрга раҳна солиш бандасининг иши эмас. Бу — куфр... деб турибди.

Шу чоғ азон овози эшитилди. Тун пардаси кутарилмоққа чоғланганди. Кўп ўтмайди, бомдод намозини ўқиб бўлганида зулумот пардаси тортилиб оппоқ тонг отади. Унинг ҳаётида яна бир оппоқ тонг. Яна неча тонг насиб этади унга? Бундай тонглар қанча бўлмасин, у тонглар нима тўхфа этмасин, ҳаммасини яратганга шукроналик билан қабул қилари...

Ё, ТАВБА!

МЕТРО

«МУЗЕЙ»МИ?

Олис қишлоқдан бувам меҳмонга келиб, шаҳримизнинг қиёфасига маҳлиё бўлиб қолди. Мен ҳам қария отанинг шодлигидан мамнун бўлиб кетдим. Шу вақт бувам:

— Болам, қишлоқда ёшлигимдан эшак миниб кексайдим. Ке, шу дунёдан армонсиз кетай: мени ер ости йўлига олиб тушсангчи. Сунг Амир Темур боғини зиёрат қилдирсанг, — деб қолди.

Мен ҳам Чилонзор метро бекатидан йўл бошладим. Метронинг Амир Темур хибони бекатига келганда ота қўлидаги ҳасаси билан мени нуқиб:

— Болам, мармарга уйиб тасвирланган уроқ ва болга, юдузли қизил байроқ нимани англатади? Ё бу ер остидаги музейми? Бу ҳақда индамайсан-а? — деб қойиб қолди.

Мен ҳам отанинг кунглини ранжитмаган ҳолда:

— Урмимизнинг ҳар дақиқасида янгиликлар яратилаяпти. Мен ҳам музей барпо қилинганини сезмай қолибман-да, узр — деб қўйдим.

Отанинг диққатини тортган нарсани мен ҳам уйлантириб қўйдим. Ер остидagi «музей» сирларини ва ё сабабини тушунолмай гарангман.

Сиз нима дейсиз?

Мухтор БЕК

«ЛЕЙГЕСТЕРНИНГ КОДЕКСИ»

Микрософт корпорациясининг бошлиғи Билл Гейтс хусусий «ким ошди» савдосида Уинсильо Гоммернинг «Катта рифларга урилиб парчаланган» номили картинасини 30 млн. долларга сотиб олди.

Ҳеч қачон ҳали америкалик рассомларнинг асарлари бунча қимматга сотилмаган эди. Кейинги рекордчи Жон Сингер Жетнинг «Кашмир» номили суварти кўлга киритди. Икки йил аввал у Сезобайнинг «ким ошди» 11,1 млн. долларга пулланган эди.

Сунгги йилларда 40 миллиард долларга эга бўлган Билл Гейтс бир неча картиналар сотиб олди. Коллекциялар ичида энг қиммати 72 бетлик Леонардо до Винчининг XIV-асрда яратган «Лейгестернинг кодекси» номили манускрипти бўлиб, Гейтс уни 1994 йилда 30,8 млн долларга сотиб олган.

Оила ва жамият

Муассисларимиз: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Шioriимиз:

Оила - жамият фахри

БОШ МУҲАҲРИР: ДИЛҲАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълолар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти -20.00.
Босишга топширилди - 18.30.

Ҳомий «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яққа обуначилар учун 176
ташқилотлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0185
20964 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нарҳда.
Навбатчи Комил ТОШ